

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОННОМАСИ**

**2020 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

Бухоро – 2021 йил

СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси - Бухоро вилоятининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, иктисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иктиносий фаолият турлари статистик таснифлагиҷига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иктиносий фаолият турлари умумдавлат таснифлагиҷи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагиҷининг B,C,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктиносий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиктиносий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, инвестицион фаоллик, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктиносий фаолияти, қурилиш, ташқи иктиносий алоқалар, транспорт, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади. Дастлабки ҳисоблар асосидаги маълумотларга келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

МУНДАРИЖА

Номи	Бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР	6
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	8-13
II. САНОАТ	14-28
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ	29-47
IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ	48-70
V. ХИЗМАТЛАР	71-80
VI. ТРАНСПОРТ	81-89
VII. ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ	90-96
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	97-114
IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК	115-130
X. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	131-139
XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	140-155
XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	156-166
XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	167-174


Қисқартма ва шартли белгилар

ЯХМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	Фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта кўп
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3) ,	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Ўлчов бирлиги	2020 йил январь- декабрь	2019 йил январь- декабрга нисбатан, фоизда
Ялпи ҳудудий маҳсулот	<i>млрд.сўм</i>	30 758,1	101,8
Саноат маҳсулоти	<i>млрд.сўм</i>	17 567,1	100,6
Истеъмол товарлари	<i>млрд.сўм</i>	6 634,5	113,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	<i>млрд.сўм</i>	23 974,3	101,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	<i>млрд.сўм</i>	11 248,7	96,7
Курилиш ишлари	<i>млрд.сўм</i>	5 387,2	111,4
Юк айланмаси	<i>млн. тн-км</i>	1 819,1	101,8
Йўловчи айланмаси	<i>млн. йўловчи-км</i>	9 079,5	89,0
Чакана товар айланмаси	<i>млрд. сўм</i>	11 811,9	100,4
Хизматлар, жами	<i>млрд. сўм</i>	9 874,1	106,1
Ташқи савдо айланмаси	<i>млн. АҚШ долл.</i>	831,4	66,0
Экспорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	230,9	86,9
Импорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	600,5	60,4
Сальдо (+;−)	<i>млн. АҚШ долл.</i>	-369,6	x

**Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятининг
2020 йил январь-декабрь ойлари асосий иқтисодий қўрсаткичлари**
(млрд. сўм)



**Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятининг
2020 йил январь-декабрь ойлари асосий иқтисодий қўрсаткичлари**

	Ўзбекистон Республикаси		Бухоро вилояти	
	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да
Ялпи худудий маҳсулот	580 203,2	101,6	30 758,1	101,8
Саноат маҳсулоти	367 078,9	100,7	17 567,1	100,6
Истеъмол товарлари	119 159,8	103,6	6 634,5	113,5
Кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	260 306,8	103,0	23 974,3	101,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	202 000,1	91,8	11 248,7	96,7
Курилиш ишлари	87 823,8	109,1	5 387,2	111,4
Чакана товар айланмаси	194 843,5	103,2	11 811,9	100,4
Хизматлар (жами)	218 853,5	102,3	9 874,1	106,1
Экспорт (млн. АҚШ долл.)	15 127,7	86,6	230,9	86,9
Импорт(млн. АҚШ долл.)	21 171,5	87,2	600,5	60,4

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 30 758,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 101,8 фоизга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Бухоро вилоятининг қўшган ҳиссаси 5,3 фоизга етди.




Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари

		Млрд. сўм		2019 йил январь-декабрга нисбатан, % да
		2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	
	I. ЯҲМ	27 377,8	30 758,1	101,8
<i>шу жумладан:</i>				
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 172,2	29 709,4	101,7
	Маҳсулотларга соғ солиқлар	2 205,6	1 048,7	102,1
	II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 172,2	29 709,4	101,7
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	11 171,0	13 786,4	101,5
	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	6 865,2	7 702,1	103,6
	саноат	4 953,5	5 373,8	100,6
	курилиш	1 911,7	2 328,3	111,4

		Млрд. сўм		2019 йил январь-декабрь нисбатан, % да
		2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	
	Хизматлар	7 136,0	8 220,9	100,3
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 855,0	2 209,2	103,4
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1 425,8	1 592,3	102,3
	бошқа хизмат тармоқлари	3 855,2	4 419,4	98,0

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 15 892,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга юқоридир.



Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҲМ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,6 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,4 фоизини ташкил этди.


Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуси 46,4 фоизни, саноат тармоғининг улуси 18,1 фоизни, қурилиш соҳасида 7,8 фоизни ва хизматлар соҳаси 27,7 фоизни ташкил қилди.

		Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби (жамига нисбатан % да)	
		2019 йил	2020 йил
I. ЯҲМ			
	шуужумладан:		
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	91,9	96,6
	Маҳсулотларга соф солиқлар	8,1	3,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати		100,0	100,0
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	44,4	46,4
	Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	27,3	25,9
	саноат	19,7	18,1
	қурилиш	7,6	7,8
Хизматлар		28,3	27,7
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7,4	7,4
	ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа	5,7	5,4
	бошқа хизмат тармоқлари	15,2	14,9




Иқтисодий фаолият турлари бүйиңчы ЯХМ таркиби (жасыга нисбатан % да)

2019 йил




2020 йил




ЯҲМнинг ўсиши худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидағи ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига – 101,5 фоиз (ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуси – 46,4 фоиз), саноатда – 100,6 фоиз (18,1 фоиз), курилишда – 111,4 фоиз (7,8 фоиз), хизматлар соҳасида – 100,3 фоизни (27,7 фоиз) ташкил этди.

ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан % да)




2020 йил январь-декабрга ЯХМ дефлятори индекси 2019 йил январь-декабрдаги нархларга нисбатан 110,4 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 121,6 фоиз ва хизматларда – 114,9 фоиз қайд этилди.



II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан ҳажми 17 567,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти физик ҳажм индекси 100,6 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)



Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,3 фоизга ўсиши билан бирга, тоғ-кон саноати ва очиқ конларда ишлаш бўйича 9,4 фоизни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 110,7 фоизни ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 73,2 фоизни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.


2020 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўчиши суръати, фоизда</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	17 567,1	100,6
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	221,0	9,4
уладаран:		
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	65,3	106,0
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	155,7	66,3
Ишлаб чиқарадиган саноат	16 770,2	120,3
ундан:		
Озиқ- овқат ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 825,0	114,8
Тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3 650,9	114,3
Ёғоч ва пўқак буюмлар , похол ва тўқиши учун материаллар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	176,6	123,5
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	5,8	163,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	8 187,8	126,3
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	372,6	94,2
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	10,0	157,4
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1 073,9	129,1
Металлургия саноати	71,0	128,4


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсии суръати, фоизда</i>
Машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошка тайёр буюмларни ишлаб чиқариш	377,9	115,3
Бошка тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	18,7	192,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	469,2	110,7
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш	106,7	73,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-декабрь)

2019 январь-декабрь



2020 январь-декабрь



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш



Ишлаб чиқариладиган саноат



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишләш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда,

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишләш корхоналари томонидан 2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 221,0 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,2 фоизни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар 33,7 фоизга камайган, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият 6,0 фоизга кўпайган.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишләши саноати)

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 16 770,2 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 95,5 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Ўлчов бирлиги	2020 йил январь- декабрь	2019 йил январь- декабрга нисбатан фоиз
Бензин	минг тн.	843,7	112,3
Дизел ёқилғиси	минг тн.	604,7	83,4
Мазут	минг тн.	118,0	146,0
Керосин	минг тн.	89,3	64,9
Суюлтирилган газ	минг тн.	13,9	113,5
Арок	минг л. 100 фоиз спирт	1 382,3	90,1
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, конъяк спиртидан ташқари	минг л. 100 фоиз спирт	15,5	108,6

	Үлчөв бирлиги	2020 йил январь- декабрь	2019 йил январь- декабрга нисбатан фоиз
Узум виноси	минг л.	659,9	114,2
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн.	90,8	110,1
Тозаланган ўсимлик ёфи	тн.	10 977,0	87,7
Пахта толаси	минг тн.	94,2	117,1
Пахта (линти)	тн.	8 358,7	108,0
Пахта чигити	минг тн.	147,4	120,1
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндиilar	минг тн.	59,7	106,6
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	тн.	1 378,3	105,6
Дон экинларини қайта ишлашдан хосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндиilar	минг тн.	28,5	110,1
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	минг тн.	42,6	118,4
Чакана савдо учун қадоқланган пахтадан йигирилган ип	тн.	9 461,0	98,0
Бошқа гурухларга киритилмаган бўлак, бруск ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар	тн.	1 055,0	37,8
Йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар	минг тн	17,8	111,5


*Шу билан бирга, охириги 5 йилнинг тегишили даврлари мобайнида ун
маҳсулотлари энг кўп ишилаб чиқарии 2020 йилнинг январь-декабрь
ойларига тўғри келмоқда (2016 йил – 74,0 минг тонна, 2017 йил – 76,2
минг тонна, 2018 йил – 82,5 минг тонна, 2019 йил – 82,4 минг тонна,
2020 йил – 90,8 минг тонна)*

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 117,1 фоизни, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари 126,3 фоизни, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар 129,1 фоизни, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш 157,4 фоизни ташкил этган бўлса, ёғоч ва пўпак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш 2,1 марта ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 0,1 фоизни, ўрта-юқори технологияли 1,7 фоизни, ўрта-қуий технологияли 58,4 фоизни, қуий технологияли 39,8 фоизни ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 1405,3 млрд.сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Жорий йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда**



Электр, газ, бүг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, бүг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 469,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 2,7 фоизни) ташкил этди.

2020 йил январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда бүг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,7 фоизга кўпайганлиги кузатилди.

Электр, газ, бүг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Ўлчов бириги	2020 йил январь-декабрь	2019 йил январь-декабрга нисбатан, фоиз
Бүг ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг г.кал.	841,4	107,9

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 106,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 фоизни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича хизматлар 73,2 фоизга камайганлиги кузатилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариши

Ҳисобот даврида 6634,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 113,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2 571,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 4 063,3 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-декабрга нисбатан мос равиша 117,1 фоиз ва 111,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб кувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида вилоят бўйича истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 6 634,5 млрд.сўмни ташкил этди ва 2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 113,5 фоизлик ўсиш таъминланди, жами саноатдаги улуши эса 37,8 фоизга тенг бўлди.


**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари
(2020 йил январь-декабрь)**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	6 634,5	113,5
шу жумладан:		
озиқ-овқат товарлари	2 571,2	117,1
ноозиқ-овқат товарлари	4 063,3	111,3

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2 571,2 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 38,8 фоиз, жумладан, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4 063,3 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 61,2 фоизни ташкил этди.

Кейинги беши йилнинг тегишили даврларидаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришини таққослагандা, ушибу кўрсаткичнинг истеъмол товарларининг умумий ҳажмидаги энг катта улуши 2016 йилнинг январь-декабрь ойларига тўғри келмоқда (2016 йил – 49,3 фоиз, 2017 йил – 44,2 фоиз, 2018 йил – 39,8 фоиз, 2019 йил – 37,2 фоиз, 2020 йил – 38,8 фоиз).


**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами
истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда
(январь-декабрь)**



Худудларнинг саноат ишлаб чиқарииши

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бухоро вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Коровулбозор тумани (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 47,3 фоиз улуши), Бухоро шаҳри (12,2 фоиз), Фиждувон тумани (7,2 фоиз), Когон тумани (4,3 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

***2020 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманларнинг жами
саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши, фоизда***




Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Фиждувон (2019 йил январь-декабрь ойлариға нисбатан 114,5 фоизга), Бухоро (110,1 фоизга), Ромитан (109,1 фоизга) ва Вобкент (108,9 фоизга) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

**Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2020 йил январь-декабрь)**

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд.сўмда¹⁾</i>	<i>2019 йил нисбатан, фоизда</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд.сўмда¹⁾</i>	<i>2019 йил нисбатан, фоизда</i>
Бухоро вилояти	17 567,1	100,6	6 634,5	113,5
Бухоро ш.	2 147,5	103,5	1 170,3	110,9
Когон ш.	798,7	107,4	299,8	120,1
<i>туманлар</i>				
Бухоро	644,5	110,1	431,0	108,7
Вобкент	392,3	108,9	359,4	106,6
Жондор	721,2	106,3	424,1	123,9
Когон	759,0	108,1	604,6	100,4
Олот	372,7	101,1	157,8	150,2
Пешкў	379,1	102,9	206,5	140,7
Ромитан	533,6	109,1	289,9	132,4
Шофиркон	641,6	108,2	343,2	110,3
Қоракўл	603,7	108,1	394,5	120,9
Коровулбозор	8 303,3	105,8	1 321,7	111,2
Фиждувон	1 269,9	114,5	631,7	111,3

1) Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда


**Худудлар бўйича жами истеъмол товарларининг ишлаб
чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда
(2020 йил январь-декабрь)**



2020 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарларининг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши энг кўп Қоровулбузор туманида 19,9 фоиз хамда Бухоро шахрида 17,6 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Қоровулбузор тумани (451266,2 минг сўм) ва Когон шахри (13 029,6 минг сўм) ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (9 076,7 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол
товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда**
(2020 йил январь-декабрь)




Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Ғиждувон (2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 113,0 фоизга), Бухоро (108,3 фоизга) ва Вобкент (107,2 фоизга) туманларида кузатилган бўлсада, фақатгина Ромитан (107,1 фоизга) хамда Қоракўл (106,9 фоизга) туманларида ўсишнинг паст суръати кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг хиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш физик ҳажми индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,9 фоизга ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши эса 34,8 фоизни ташкил этмоқда.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Вобкент (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 фоиз), Когон (98,4 фоиз), Шоғиркон (84,3 фоиз) ва Жондор (76,9 фоиз) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кам улуш Олот (68,7 фоиз), Қоровулбозор (1,2 фоиз) туманлари ҳамда Когон (43,8 фоиз) шаҳрида кузатилди.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари
ишлиб чиқаришдаги улуши, фоизда
(2020 йил январь-декабрь)**



**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишилб чиқаришини
маҳаллийлаштириши Дастурининг амалга оширилиши**

Вилоят саноат маҳсулотлари ишилб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишилб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 48 та лойиҳа бўйича 1 405,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишилб чиқарилган бўлиб, январь-декабрь ойларида 3 767,94 минг АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.


**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишилб чиқаришини
маҳаллийлаштириши Дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-декабрь)**

	2019 йил	2020 йил
Лойиҳалар сони, бирлик	29	48
Корхоналар сони, бирлик	24	40
Ишилб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	259,5	1 405,3
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн. АҚШ долл.	1,0	3,8
Яратилган янги иш ўринлари, бирлик	410	380

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида вилоятдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 1 105,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,7 фоизни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 5,6 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 6,3 фоизни ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 бандга камайган.


Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз



Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 4 381 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан Бухоро шаҳрига 1 221 таси, Фиждувон туманига 553 таси, Бухоро туманига 349 таси, Коғон туманига 336 таси, Жондор туманига 303 таси, Ромитан туманига 297 таси, Шофиркон туманига 265 таси, Вобкент туманига 217 таси, Пешкў туманига 211 таси, Қорақўл туманига 198 таси, Коғон шаҳрига 185 таси, Олот туманига 125 таси ва Қоровулбозор туманига 121 таси тўғри келади.

**Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони,
бирлик
(2020 йил январь-декабрь)**



Жорий йил январь-декабрь ойларида вилоятда 1 086 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан Бухоро шахрига 18,2 фоизи, Фиждувон туманига 14,2 фоизи, Когон туманига 7,9 фоизи, Ромитан туманига 7,8 фоизи, Шофиркон туманига 7,5 фоизи, Вобкент туманига 7,4 фоизи, Пешкӯ туманига 7,4 фоизи, Бухоро туманига 7,3 фоизи, Когон шахрига 5,5 фоизи, Коракӯл туманига 5,5 фоизи, Жондор туманига 5,4 фоизи Олот туманига 3,4 фоизи, ҳамда Коровулбозор туманига 2,5 фоизи тўғри келади.

Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ


Дастлабки маълумотларга кўра, вилоятда 2020 йил январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 23 974,3 млрд.сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 101,6 фоизни, шу жумладан ялпи дехқончилик маҳсулотлари ҳажми 11 334,6 млрд.сўмни (99,3 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 12 222,3 млрд.сўмни (103,2 фоиз), қишлоқ хўжалигига кўрсатилган ҳизматлар ҳажми 169,0 млрд. сўмни (141,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 10,0 млрд. сўмни (125,2 фоиз), овчилик хўжалигига 1,0 млрд.сўмни (101,8 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 137,4 млрд.сўмни (101,3 фоиз) ташкил қилди.



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизматлар)
ҳажмининг тақсимланиши, фоизда
(2020 йил январь-декабрь)**

	<i>Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлар ҳажми</i>		<i>Аҳоли жон бошига, (минг сўм)</i>
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, ўсиш суръати % да</i>	
Бухоро вилояти	23 974,3	101,6	12 387,3
Бухоро ш.	297,0	101,2	1 057,8
Когон ш.	24,9	101,0	406,8
<i>туманлар</i>			
Бухоро	2 748,0	102,3	16 401,5
Вобкент	2 180,0	100,3	15 526,7
Жондор	2 888,6	102,6	16 482,2
Когон	1 780,4	100,2	22 622,8
Олот	1 695,5	101,8	17 040,4
Пешкӯ	2 156,0	102,4	17 453,3
Ромитан	2 145,1	100,1	15 057,2
Шоғиркон	2 149,2	101,7	12 081,0
Коракўл	2 391,5	101,3	14 548,1
Коровулбозор	644,3	100,6	35 053,0
Фиждувон	2 873,8	102,3	9 415,0

2020 йил январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва ўсиш суръатлари




Хусусан, юкори ўсиш суръатлари Жондор (102,6 фоиз), Пешкў (102,4 фоиз), Бухоро (102,3 фоиз) ва Гиждувон (102,3 фоиз) туманларида кузатилди. Ромитан (100,1 фоиз) ва Когон (100,2 фоиз) туманларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2019 йил мос даврига нисбатан 101,3 фоизни, шу жумладан дехқончилик маҳсулотлари 48,1 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари 51,9 фоизни ташкил қилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида
дехқончилик ва чорвачиликнинг улуши, фоизда**



**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
ҳажмининг худудлар кесимида тақсимланиши, фоизда**



2020 йил январь-декабрь ойларида 23 556,9 млрд. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 11 334,6 млрд. сўмга тенг қисми ёки 48,1 фоизи дехқончилик, 12 222,3 млрд. сўмга тенг қисми ёки 51,9 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади.


2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда Бухоро шахрида, Қоровулбозор ва Бухоро туманларида асосан дехқончилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Ушбу туманларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 65,4-54,0 фоизини дехқончилик маҳсулотлари ташкил этади. Шунингдек, Когон, Қоракўл, Фиждувон, Шофиркон туманларида асосан чорвачилик соҳасининг анча ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу ҳудудларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 68,3-54,9 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг
хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, фоиз**



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 71,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 26,2 фоизи фермер хўжаликларига, 2,5 фоизи қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмокда.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши худудлар кесимида, фоизда



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юкори кўрсаткичлар барча туман ва шаҳарларда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хиссасига тўғри келиши кузатилди.

2020 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юкори кўрсаткич Қоровулбозор (59,8 фоизи), дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юкори улуши Қоракўл (78,6 фоизи) ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юкори улуши Бухоро (9,3 фоизи) шаҳрида қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич эса Когон (15,8 фоизи), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Қоровулбозор (35,3 фоизи) ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Коракўл (0,4 фоизи) туманларида қайд этилди.



Деҳқончилик

маҳсулотларининг улуши 48,1 фоизни ташкил килди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларнинг ҳажми 11334,6 млрд.сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 99,3 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик




Ҳосилни йиғиб олиш

Жорий йилнинг январь - декабрь ойларида жами дон 546 556 тонна (2019 йил шу даврига нисбатан 4,0 фоизга кам), шу жумладан, бошоқли дон 432 968 тонна (2,5 фоизга кам), шундан буғдой 423891 тонна (4,4 фоизга кам), пахта 296 137 тонна (7,6 фоизга кам), картошка 222 692 тонна

(3,3 фоизга кўп), сабзавот 768 617 тонна (5,4 фоизга кўп), полиз 179 537 тонна (4,6 фоизга кўп), мева 304 048 тонна (5,0 фоизга кўп), узум 208 267 тонна (4,4 фоизга кўп) йиғиб олинди.

**Асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини
ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши, фоизда**




Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дехқон хўжаликларининг салмоғи юқори бўймоқда, жумладан жами етиширилган картошканинг 92,1 фоизи, сабзавотнинг 74,0 фоизи, полиз маҳсулотларининг 63,0 фоизи, узумнинг 57,7 фоизи ва меванинг 48,4 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

**2020 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий
турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсии суръати, фоизда	минг тонна	ўсии суръати, фоизда	минг тонна	ўсии суръати, фоизда
Дон	413,4	96,4	122,4	91,1	10,8	176,4
Пахта	257,8	88,6	-	-	38,3	129,1
Картошка	17,5	101,8	205,2	103,5	0,02	18,3
Сабзавотлар	186,9	116,9	568,8	102,2	12,9	102,4
Полиз	64,0	115,9	113,1	100,9	2,4	57,5
Мевалар ва резаворлар	155,3	108,6	147,1	102,0	1,6	68,3
Узум	87,8	100,9	120,2	108,2	0,3	24,9

2020 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Пахта (тонна)




Дон (тонна)



Картошка (тонна)



Сабзавотлар (тонна)



Полиз (тонна)



Мевалар ва резаворлар (тонна)



Узум (тонна)



Чорвачилик



2020 йил январь - декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12 222,3 млрд.сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 51,9 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 262 024 тонна гўшт (2019 йил январь - декабрга нисбатан 3,2 фоизга кўп), 1 008,7 минг тонна сут (4,5 фоизга кўп), 436,6 млн.дона тухум (8,3 фоизга кам), 3 928 тонна жун (2,9 фоизга кўп), 504,9 минг дона қоракўл тери (ўтган йилга нисбатан 1,7 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2020 йил январь-декабрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	<i>Барча тоифадаги хўжаликлар</i>		ишу жумладан:					
			<i>фермер хўжаликлари</i>		<i>дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз</i>
Гўшт тирик вазнда, тонна	262 024	103,2	11 086	120,9	246 354	103,7	4 584	62,9
Сут, тонна	1008683	104,5	56 762	126,6	948 514	103,2	3 407	170,6
Тухум, минг дона	436 642	91,7	73 626	115,0	268 733	103,4	94 283	61,8
Жун, тонна	3928	102,9	497	120,0	3216	100,8	215	100,9
Қоракўл тери дона	504 921	101,7	42 601	108,8	449 101	102,1	13 219	75,8

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича тахлил қилас эканмиз, тирик вазнда гўштнинг умумий ҳажмидан 94,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 94,0 фоизи, тухумнинг 61,5 фоизи, жуннинг 81,9 фоизи, қоракўл терининг 88,9 фоизи хам дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши



2021 йил 1 январь холатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар	шу жумладан:							
		фермер хўжаликлари		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар			
		минг бош	ўсиши суръати, фоиз	минг бош	ўсиши суръати, фоиз	минг бош	ўсиши суръати, фоиз	минг бош	ўсиши суръати, фоиз
Йирик шохли қорамоллар	1 247,4	101,6	82,3	112,9	1 152,7	101,0	12,4	93,2	
шу шумладан сигирлар	408,8	102,5	26,7	120,8	379,4	101,4	2,7	108,0	
Кўй ва эчкилар	2 239,6	102,3	300,7	109,6	1 778,3	100,9	160,6	105,3	
Паррандалар	5 774,4	107,8	1 405,5	104,8	2 903,1	101,4	1 465,8	127,1	

Ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик махсулотларини худудлар кесимида тақсимланиши

Гүшт (минг т.)




Сут (минг т.)



Тухум (млн.дона)



Балиқчилик (тонна)



2021 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиши суръати, фоиз</i>
Йирик шохли қорамол	1 247,4	101,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	82,3	112,9
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1 152,7	101,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	12,4	93,2
улардан сигирлар	408,8	102,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	26,7	120,8
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	379,4	101,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	108,0
Қўй ва эчкилар	2 239,6	102,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	300,7	109,6
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1 778,3	100,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	160,6	105,3
Отлар	5,9	104,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1,8	116,4
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	102,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,4	78,2
Паррандалар	5 774,4	107,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1 405,5	104,8
Дехқон (ахолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2 903,1	101,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 465,8	127,1


2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>Миқдори</i>	<i>ўсиши суръати, фоиз</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	262,0	103,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	11,1	120,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	246,4	103,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4,5	62,9
Сут, минг тн.	1 008,7	104,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	56,8	126,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	948,5	103,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,4	170,6
Тухум, млн. дона	436,6	91,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	73,6	115,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	268,7	103,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	94,3	61,8

Йирик шохли қорамоллар ва паррандалар бош сони

2021 йил 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1 247,4 минг бошни, шу жумладан сигирлар 408,8 минг бошни, қўй ва эчкилар 2 239,6 минг бошни, от 5 889 бошни, паррандалар 5 774,4 минг бошни ташкил этди. 2020 йилнинг мос даври билан солиширилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 19,9 минг бошга (1,6 фоизга), шу жумладан сигирлар 9,9 минг бошга (2,5 фоизга), қўй ва эчкилар 50,5 минг бошга (2,3 фоизга), отлар 236 бошга (4,2 фоизга), паррандалар 417,7 минг бошга (7,8 фоизга) кўпайди.


Хўжалик тоифаларининг чорва моллари ва паррандалар бош сонидаги улуши, фоизда



2021 йил 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони түғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича тахлил қиласр эканмиз, йирик шохли қорамоллар 6,6 фоизи фермер хўжаликларига 92,4 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,0 фоизи кишлок хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равища қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 13,4 фоизи фермер хўжаликларига, 79,4 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 7,2 фоизи кишлок хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 24,3 фоизи фермер хўжаликларига, 50,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 25,4 фоизи кишлок хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

2021 йил 1 январь ҳолатига шаҳар ва туманлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар (минг бош) **шу жумладан: сигирлар (минг бош)**



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)



Фермер хўжаликлари. 2020 йил январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6 167,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 26,2 фоизни ташкил этди.

2021 йил 1 январь ҳолатида фермер хўжаликларида 82,3 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 26,7 минг бош сигир, 300,7 минг бош қўй ва эчкилар, 1 405,5 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 12,9 фоизга кўп, қўй ва эчкилар 9,6 фоизга, паррандалар 4,8 фоизга кўпайган.

2020 йил январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	2019 йил		2020 йил		ўсиш суръати, фоиз
	тонна	ишилаб чиқариш умумий ҳажмидағи улуши, фоиз	тонна	ишилаб чиқариш умумий ҳажмидағи улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	9 167	3,6	11 086	4,2	120,9
Сут	44 836	4,6	56 762	5,7	126,6
Тухум, минг дона	64 049	13,4	73 626	16,9	115,0
Коракўл тери, дона	39 164	7,9	4 2601	8,5	108,8
Жун	414	10,8	497	12,7	120,0
Пилла	1 459,77	71,4	938,4	53,5	64,3
Овланган балиқчилик	1 110,6	19,2	1 296,0	18,0	116,7
Бошоқли дон	380 593	85,7	369 529	85,3	97,1
шундан: буғдой	380 593	85,9	361 430	85,3	95,0
Пахта	290 902	90,7	257 822	87,1	88,6
Картошка	17 141	8,0	17 454	7,8	101,8
Сабзавот	159 789	21,9	186 862	24,3	116,9
Полиз	55 249	32,2	64 013	35,7	115,9
Мева ва резаворлар	142 987	49,4	155 323	51,1	108,6
Узум	86 941	43,6	87 749	42,1	100,9

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 11 248,7 млрд.сўм (доллар эквивалентида 1,1 млрд. АҚШ долл.) миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 96,7 фоизни ташкил қилди.


Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2015 йилда – 4,1 трлн. сўм ёки 98,7 фоиз ўсишини, 2016 йилда – 5,9 трлн. сўм ёки 120,8 фоиз ўсишини, 2017 йилда – 11,6 трлн. сўм ёки 154,7 фоиз ўсишини, 2018 йилда – 9,6 трлн. сўм ёки 60,6 фоиз, 2019 йилда – 10,4 трлн. сўм ёки 95,9 фоиз ташкил этган.

Худудлар кесимида киритилган инвестициялар ҳажми

(2020 йил январь-декабрь)

	Инвестиция ҳажми		Аҳоли жон боши (минг сўм)
	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати, % да	
Бухоро вилояти	11 248,7	96,7	5 812,1
Бухоро ш.	2 823,7	90,3	10 055,7
Когон ш.	104,9	28,3	1 711,6
<i>туманлар</i>			
Бухоро	653,7	142,4	3 902,9
Вобкент	285,5	90,7	2 033,4
Жондор	275,4	65,8	1 571,1
Когон	786,1	85,8	9 988,2
Олот	1 272,0	82,1	12 784,0
Пешкӯ	266,4	52,7	2157,1
Ромитан	3 351,2	146,2	23 517,4
Шоғиркон	329,0	78,7	1 849,4
Қоракўл	325,1	73,5	1 977,7
Қоровулбозор	135,9	44,8	7 386,6
Ғиждувон	639,8	125,3	2 096,2

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари,
фоизда
(январь-декабрь)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Ромитан (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 146,2 фоизни асосий капиталга инвестициялар ҳажми 3351,2 млрд. сўм), Бухоро (142,4 фоизни, 653,7 млрд. сўм), ҳамда Гиждувон (125,3 фоизни, 639,8 млрд. сўм) туманларида кузатилди.


